

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ  
КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ АКСИОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ****Тургунов Миржалол Мирзахамдам ўғли**

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6988240>

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчилар касбий-педагогик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурияти, педагогнинг касбий- педагогик фаолияти ривожланишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар, педагогикада аксиологик ёндашувга доир методологик қарашлар тизими ва педагогик кадриятлар таснифи, педагог касбий-педагогик фаолиятининг аксиологик мезонлари, касбий-педагогик фаолият ривожланишига аксиологик ёндашувни татбиқ этиш зарурати ва истиқболлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** ўқитувчи, бўлажак ўқитувчи, аксиология, аксиологик ёндашув, касб, касбий фаолият, педагогик фаолият, ўқувчи, педагогик кадриятлар.

**АКСИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КОМПОНЕНТОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается социально-педагогическая необходимость развития профессионально-педагогической деятельности будущих учителей, объективные и субъективные факторы, влияющие на развитие профессионально-педагогической деятельности педагога, система методологических взглядов на аксиологический подход в педагогике и классификацию педагогических ценностей, аксиологические критерии педагогической профессионально-педагогической деятельности, необходимость и перспективы

**Ключевые слова:** учитель, будущий учитель, аксиология, аксиологический подход, профессия, профессиональная деятельность, педагогическая деятельность, ученик, педагогические ценности.

**AXIOLOGICAL ASPECTS OF THE COMPONENTS OF THE PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITY OF FUTURE TEACHERS**

**Abstract.** This article examines the socio-pedagogical necessity of the development of professional and pedagogical activity of future teachers, objective and subjective factors affecting the development of professional and pedagogical activity of the educator, the system of methodological views on the axiological approach in pedagogy and the classification of pedagogical values, axiological criteria of pedagogical professional and pedagogical activity, the need and prospects.

**Keywords:** teacher, future teacher, Axiology, axiological approach, profession, professional activity, pedagogical activity, pupil, pedagogical values.

**КИРИШ**

Республикамызда олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган технологик жараёнлар, ижтимоий-маданий фаолият категориялари интеграциялашуви асосида мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

концепциясини тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ -3775-сон Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган[1].

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Педагогик фаолиятнинг аксиологик асослари ва касбий-педагогик фаолиятга аксиологик ёндашув, аксиологик таълим-тарбия масалаларининг қўйилиши масалалари Н.Шодиев, А.Ч.Чориев, Н.С.Киямов, Х.А.Шайхова, Б.Ғ.Зиёмуҳаммедов, З.Д.Давронов, Қ.Н.Назаров, М.Тожиев, М.М.Қаҳҳорова, Г.Ҳ.Тиллаева ва Д.Ҳабибуллаева каби олимлар томонидан тадқиқ этилган[2]. Шунингдек, муаммога оид маълумот ва назарияларни машҳур файласуфлар – Аристотель ва Луций Анний Сенекалар аксиологик қарашларни инсон руҳиятининг ахлоқий такомилли деб билиб, қадрият категорияси сифатида талқин этганлар[3].

Марказий Осиё педагогикаси тарихида Кайковус, Абу Наср Форобий, Нажмиддин Кубро, Имом ал-Бухорий ва Алишер Навоийнинг қарашларида билим асосида фаровон турмушга етишиш, эзгулик ҳамда ёвузлик ўртасидаги курашда таълим-тарбиянинг муҳимлиги, баркамол авлод тарбияси учун нафақат оила, шу билан бирга, бутун жамоа аъзолари масъуллиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган[4]. Шунингдек, Я.А.Коменский, И.Г.Песталоцци ва В. А. Сухомлинский каби машҳур педагогларнинг илмий асарларида таълим-тарбия жараёнига оид аксиологик ёндашувлар ўз аксини топган[5].

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш компонентларига энг авало ўқитувчининг ижодкорлиги киради. Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради [6].

Ўқитувчининг ижодий педагогик фаолияти таҳлил қилинганда, мукаммал шаклга эга бўлган тизимлардан иборат эканлигини кўрамиз:

- ўқитувчининг синфда ўқувчилар жамоаси билан таълим-тарбиявий мақсадларга қаратилган ижодий тайёргарлиги;

- ўқувчилар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик асосидаги ижодкорлик.

Хорижий мамлакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлик сифатларида шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талаба ва ўқувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қилади. Шу сабабли бу метод ва стратегияларни креативлик сифатлари ниҳоятда паст ривожланган ўқувчи ва талабалар билан ишлаш жараёнида самарали қўллаб бўлмайди.

Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида шаклланган муҳим касбий сифатлар ҳамда шахсий касбий салоҳиятни ташкил

этган педагогик қобилият ва маҳорат, интеллектуал, мотивацион, коммуникативлик, креативлик-ижодий, перцептив ҳамда шахс динамизми яъни эмоционал-иродавий (иродавий таъсир ўтказиш ва мантикий ишонтира олиш) қобилиятлар комплекси киради.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш даражаси бир неча омиллар билан бевосита боғлиқ.

Биринчидан, педагогик фаолияти жараёнида индивидуал хусусиятларнинг мавжудлиги, уларни тузатиш ва такомиллаштириш, иккинчидан, педагогнинг ижтимоий-маданий муҳитга сингиши, таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-маданий меъёрлари ва касбий маҳоратини намоён этиши.

Ўқитувчининг касбий фаолияти ва ўз касбига “компетентлиги” (лойиклиги), бинобарин, ўқитувчилик фаолиятининг самарадорлиги, маълум кўрсаткичларга, масалан, педагогнинг нимага ва қандай қилиб ўргатишини қанчалик тушуниши, ҳам билиши, унинг билим даражаси ва педагогик салоҳияти, замонавий ўқитиш технологиясини қай даражада ўзлаштириб олгани, касбий педагогик маҳорати, таълим бериш ва тарбиялаш ҳамда шахсни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни қанчалик ҳал эта олиш педагогик қобилияти билан белгиланади.

Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятига педагогик маҳорати ва ўз касбий фаолиятини юқори савияда ташкил қила олишни таъминловчи, ўқитувчи-педагог шахс хусусиятларини йиғиндисидир. Шундай муҳим хусусиятларга ўқитувчи фаолиятининг инсонпарварликка йўналтирилганлиги, унинг касбий билимлари, педагогик қобилиятлари ва педагогик техникаси (ўз-ўзини бошқара олиш кўникмалари ва ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қила олиш малакаси) киради.

Бу педагогик маҳорат тизимидаги ўзини ташқи таъсирларсиз ривожлантира олиш хусусиятига эга тўртта ўзаро боғлиқ жиҳатлардир. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолияти -бу шахс ва фаолият субъектининг мураккаб, кўп қиррали интеграл хусусиятлари мажмуаси бўлиб, унинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

а) ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этувчи яхлит компонентлар;

б) ўқитувчи фаолияти ва шахсига қўйилган меъерий талаблар билан белгиланган умумий ёки типик хусусиятлар (меъерий профессионализм).

в) ўқитувчи субъект сифатида педагогик фаолият ва мулоқотда намоён бўлувчи индивидуал-психологик ва типологик хусусиятлари ўқитувчи касбий фаолияти асосий таркибий қисмлари сифатида “касбий маҳорат”, “педагогик фаолият ва мулоқотнинг индивидуал услуби”, “педагогик ижодкорлик”, “шахсий касбий салоҳият”ни белгилаш мумкин.

Ўқитувчи касбий фаолияти – бу ўқувчилар билан ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар жараёнида намоён бўладиган “таълим ва тарбия бериш санъати, педагогик маҳорат, педагогик техника ва эркин ижод”дир.

Юқорида келтирилган фикрлар шу кунда ўқитувчидан моҳирлик, яъни техникани – педагогик техниканинг асосий компонентларини билиш, унинг усулларини эгаллаш ва уларни ўз фаолиятида қўллаш олишни талаб этади.

Педагогик маҳоратни оширишда ўқитувчи шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишлари, кадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсадга – баркамол авлод тарбиялаб етиштиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Шу

билан биргаликда таълим жараёнини бошқариш бўлажак ўқитувчиларни мутахассислик фани, уни ўқитиш методикаси, педагогика ва психологияни мукамал билишни талаб қилади.

## **МУҲОКАМА**

Бугунги кунда давлатимиз таълими соҳаси олдига кўяётган вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Шундай экан, ахлоқнинг муҳим жиҳатларидан бири инсон шаъни, кадр-қимматидир. Кишининг кадр-қиммати, аввало, умумий ишга кўшаётган ҳиссасининг салмоғи ва сифати билан белгиланади. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда инсон ўз меҳнатининг салмоғи ва сифати билан, ақлий ва жисмоний меҳнатининг самараси, ишбилармонлиги билан кадрланади, ҳалол меҳнат кишининг қадр, иззат-ҳурматини оширади.

Ўқитувчи, муаллимнинг бажараётган иши бугунги кунда жамиятда аҳамиятлидир. Инсоннинг кадр-қиммати унинг мансаби, касби-коридан кўра ҳам кўпроқ ўз касбини қандай бажариши, унинг одоби ва хулқ-атвориغا боғлиқдир. Жамиятимиз талаб этаётган ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда ўқитувчининг ўрни бекиёсдир. Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва маҳорати даражасини, амалий педагогик вазифаларни ҳал этиш жараёнининг илмий-назарий жиҳатдан тўғри асосланганлиги билан белгилаш зарур. Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилиб, илмий-назарий асослаб, ўзига маълум педагогик принципларни ва уни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқади.

Педагогнинг ўз фаолиятини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва педагогик таъсир кўрсатишнинг мантикий кетма-кетлигини ишлаб чиқиши, унинг педагогик маҳорат чўққисини эгаллаганлигини кўрсатади. Педагогик вазифаларни ҳал этиш, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, яъни ўқитувчилардан ақлий фаолият усуллари – танқидий-таҳлилий, мантикий фикр юритишни талаб этади. Мазкур педагогик фаолият таълим-тарбия жараёнини асосий бўғинларга ажратиш ва истиқболдаги вазифаларни лойиҳалаш кўникмаларига асосланади.

Ўқитувчининг педагогик назарияларни яхши ўзлаштирганлиги, ўз касбдошларининг иш тажрибаларини тинмай ўрганиши, ўз педагогик фаолияти натижасини умумлаштириш ва мунтазам таҳлил ўтказиш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга, таълим мазмуни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали восита, метод ва шакллари танлашга имкон яратади[7].

Замонавий таълим тизими ўқувчининг шахсини ривожлантиришга қаратилган турли хил ўқитиш усуллари ва янгиликлари билан ажралиб туради. Ўзбекистонда таълим тизимини модернизация қилиш таълимнинг янги сифатига қандай эришиш мумкинлигини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан, олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашга бўлган талаблар ҳам ўзгарди. Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда асосий омиллардан бири уларни касбга йўналтирилганлигидир.

Касбий йўналганликни муваффақиятли шакллантириш бу олий ўқув юртига топшираётган талабаларнинг касбни танлашидир. У умумий абитуриентлар ичидан шу олий ўқув юртида ўқишга психологик мосларини танлашга ёрдам беради. Турли методларни қўллаш орқали ҳар бир абитуриентнинг реал имкониятлари ва қобилиятларини аниқлаш, бўлғуси касбни танлашга йўллаш имконини беради.

Олий ўқув юртига кирган талаба ижтимоий-фойдали, мазмунли фаолият билан доимо шуғулланади, натижада унда шахснинг касбий йўналганлиги ва касбий мотивлар шаклланади. Касбий йўналганлик муваффақиятли шаклланишининг доимий омилларидан бири талабалар таълими ва тарбияси жараёнида унинг мазмуни ва тузилишидаги ўзгаришларни ўрганиш ҳисобланади. Бу ўзгаришларнинг кўрсаткичларини аниқлаш билан боғлиқдир: талаба олдин қандай мақсадларни қўйган эди, ҳозир қандай мақсадлар қўймоқда, турли хил фаолиятларда у ўзини қандай намоён этади, унинг касбга муносабати қандай, қизиқишлари, идеаллари, ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар.

Талабанинг касбий йўналганлигини мустаҳкамлашда уларнинг илмий ишларда иштирок этиши катта роль ўйнайди. Юқори малакали мутахассисни тайёрлашнинг мажбурий шартларидан бири талабаларнинг илмий жамиятларда, конструкторлик бюрolariда, ишлаб чиқариш буюртмаларига асосан амалий битирув малакавий ишларини бажариш киради. Касбий йўналганлик тушунчасига маъно жиҳатидан касбий ўзини ўзи англаш, касбий дунёқараш, касбий позиция тушунчалари кўпроқ яқин.

Касбий ўзини ўзи англаш одатда шахснинг ўз-ўзини англаш умумий тузилишига тегишли, бунда касбий диққат, тафаккур, хотира, аффект, ирода ва бошқалар назарда тутилади. Н.В.Кузмина касбий йўналганликнинг қуйидаги хусусиятларини ажратади: объективлик, ўзига хослик, қарама-қаршилик, валентлик, қониқиш, барқарорлик[8].

Бизнингча, бўлажак мутахассисларнинг касбий мотивацияси аксиологик ёндашув асосида касбий йўналганликнинг таркибий қисмларидандир. Ўқитувчи шахсининг касбий йўналганлиги, кўпинча унинг шахсий камолоти билан анча мустаҳкам боғланган, уйғун ҳолатда намоён бўлади. Унинг касбий камолотини баҳолаш учун эса, албатта, фаолиятнинг бир қатор жабҳаларини ажратиб кўрсатиш лозим.

Ўқитувчиларнинг касбий шаклланиши жараёнини тадқиқ этиш эса, уларнинг касбий фаолияти тўғрисидаги тасаввурларини ўрганишга олиб келди. Ушбу ҳолатда бўлғуси бошланғич синф педагогининг касбий тайёргарлик жараёнида педагог-мураббийда шаклланиши лозим бўлган сифатларни қай даражада ўзида камол топтиришга эришаётганлигини баҳолашда мулоқотмандлик, ташкилотчилик, предметларга йўналганлик, интеллигентлик, қўллаб-қувватлаш мотивларидан иборат жабҳаларда тадқиқ этилди.

Тадқиқот давомида бўлажак ўқитувчиларининг касбий тайёрлаш жараёнида етакчи фаолият йўналишларининг нимага қаратилганлиги ва уларни фаолият босқичларига биноан ўзгаришлар ўзига хосликларини аниқлашга эришилди. Аслида мутахассислар тайёрлаш жараёнининг умумий мақсади Давлат таълим стандартларида белгиланган касбий қоидалар ва билимларни ўзлаштириш учун қўйилган талабларга боғлиқ. Аммо, бу эса йўналтирувчи ва аниқ мақсадларга, яъни таълим-тарбия жараёнида белгилаб олинган когнитив ва аффектив (хулқ-атвор) мақсадларга асосланади.

Касбий шаклланиш жараёнининг дастлабки ва айни дамда ўта муҳим босқичи бўлажак касбни танлаш, яъни аниқ бир касбий қарорга келишигача бўлган даврини ўз

ичига олади. Равшанки, ёшларнинг касб танлашга тайёргарлик даражаси, фақатгина ёш хусусиятларига боғлиқ эмас, у маълум ёшга келиб ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Ёшларнинг касб танлашга педагогик-психологик билим, кўникма, малакалар, шунингдек, жамиятнинг таъсири орқали тайёрлаш ва тарбиялаш лозим.

Мазкур жараёнда шахсдан касбга доир билимларга эга бўлиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни касблар оламига доир билимлар билан қуроллантириш ҳамда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш лозим. Бунинг учун касбларга доир қўлланмалар, тарқатма материаллар билан таъминлаш лозим. Шундагина касб танлаш жараёнида юзага келадиган турли қийинчилик, зиддият, тўсиқларни олдини олган ҳолда ўқувчи-ёшларни онгли равишда касбга йўллаш имконига эга бўламиз

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясига қуйидагилар киради:- баркамол шахс сифатида давлат ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, юксак ҳуқуқий ва умумий маданиятли, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, маънавий-ахлоқий етукликка эга, миллий ва умуминсоний қадриятлар таркиб топган, ҳорижий тилларни пухта ўзлаштирган, ахборот –коммуникация технологияларини мукамал эгаллаган бўлиши ва бошқалар.

Бўлажак ўқитувчилар юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр сифатида касбий-педагогик тайёргарлик, илмий-ижодий салоҳиятли, иждодий ва ижтимоий фаол, ҳуқуқий-меъёрий ва компьютер саводхонлигига эга кадр назарда тутилган. Юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр сифатида касбий-педагогик тайёргарлик даражаси педагогнинг илмий-назарий, илмий-методик, педагогик-психологик тайёргарлиги даражасига бевосита ва билвосита боғлиқ.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами миллий базаси <https://lex.uz/>
2. Шодиев Н., Чориев А., Киямов Н., Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. –Тошкент, 1993.– Б. 9.
3. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т.4. –М.: Мысль, 1983; Сенека Луций Анний. Нравственные письма кЛуцилию. –М.: Наука, 1977.
4. Кайковус. Қобуснома; Шайх Нажмиддин Кубро. Кўнглим кўзи билан кўрганларим / Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Жузжоний А. Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – 89 б.
5. Омельченко Е.А. Педагогика семейного воспитания. – Новосибирск, 2012.
6. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфулов Д., Тураев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. - Т.: Сано стандарт, 2015.
7. Марданов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 302 б.

8. Кузьмина, Н. В. Актуальные проблемы профессионально педагогической подготовки учителя / Н. В. Кузьмина, В. И. Гинецинский // Советская педагогика. – 1982. – № 3. – С. 63–66.
9. Bakhromovich, S. I. (2020). The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*, 10(12), 1014-1020.
10. Bakhromovich, S. I. (2020). The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*, 10(12), 1014-1020.
11. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
12. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
13. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
14. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
15. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
16. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
17. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
18. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
19. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83